

Андижон вилоят ташувчилари билан учрашув

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 3 декабрдаги 378-сонли «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонунининг ижроси доирасида ўтган йилдан бошлаб давлат бошқарув ва хўжалик органлари раҳбарларининг хуудларда сайёр қабуллар ўтказиши йўлга қўйилган эди.

“Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” дастури доирасида навбатдаги учрашув Андижон вилоят ташувчилари билан бўлиб ўтди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи В.Исмоилов жорий йилнинг 1 июнь куни Андижонга бориб, вилоятдаги автотранспорт соҳасида олиб борилаётган ишлар, тегишли ҳукумат қарорлари ижроси билан танишди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сонли “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 25 апрелдаги “Аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ҳамда шаҳарлар ва қишлоқларда автобусларда йўловчилар ташиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш тўғрисида”ги 238-сонли қароридан келиб чиқадиган вазифаларнинг амалда бажарилиш жараёни билан қизиқди.

Дастлаб Агентлик бошлиғи В.Исмоилов томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги ПҚ-2724-сон қарорининг бажарилиши атрофлича муҳокама қилиниб, бугунги кунгача Дастур доирасида вилоят бўйича жорий йилнинг III-IV-чорақларида 22 та автобус сотиб олинishi ва 2017-2021 йиллар дастурида сотиб олинishi режалаштирилган автобуслардан ташқари яна 200 та ажратиб беришини айтиб ўтди.

Йиғилишда "онлайн" GPS режимида масофадан кузатиш ҳамда Андижон шаҳри ва туманлар марказлари ҳамда шаҳарларда шаҳар йўловчи транспортида йўл ҳаққини нақд пулсиз тўлаш тизимини жорий қилиши хусусида гапириб, автотранспорт соҳасини янада ривожлантириш муаммо ва таклифларни очиқ ойдин гаплашиб олиш учун йиғилганликларини айтиб, ташувчиларда қандай муаммолар ва таклифлар бўлса саволлар билан мурожаат қилишларини таъкидлади.

Сайёр қабул очиқ мулоқот тарзида ўтиб, ташувчилар томонидан берилган барча саволларга жавоб берилди. Жумладан, Андижон вилояти, Шаҳрихон тумани “Умрбод” МЧЖ, Вазирлар Маҳкамасининг 320-сонли қарори асосида “Янги бозор” автостанциясини ташкил этиб, фаолият кўрсатишга паспорт олганлигини, лекин фаолиятни бошламасдан туриб прокуратура ва солиқ идоралари томонидан текширув бошланиб, 10 ой бўлса ҳам ҳали тугамаганлиги, сабаб ёки уларнинг мақсадларини билмаётганлигини айтиб ёрдам сўради. Андижон шаҳар “Платинум голд транс” МЧЖ, “Автодарёттранс-Илм”даги ўқув курсларини марказлашган ҳолда Фарғона водийсида ташкил қилиниши, бориб-келиш йўл масофасини узоклиги, ортиқча ҳаражат ва ётоқ масаласи қийинчилик туғдираётганлиги айтди. Шаҳрихон туманидаги “Найнаво савдо транс” МЧЖ раҳбари Абдуғаниев Абдуқаҳхор, “Автотранспорт назорати” инспекторлари туманларда ҳам ташкил этилишини, “Водий барс транс элит” МЧЖ раҳбари Ш.Мадрахимов, Қамчик

довонидан ишлаб чиқилганига 15 йил бўлган юк автомобилларини ҳаракатланишига рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжат имзоланидими деган саволларга Агентлик бошлиғи томонидан батафсил жавоб берилди.

Учрашувда Агентлик бошлиғи В.Исмоилов вилоятдаги барча ташувчиларни ягона уюшма таркибда фаолият олиб бориш таклифини киритди. Бу иш осон кечмаслиги, тез ва сифатли йўлга қўйилмаслигини атрофлича тушунтириб, фаолиятни Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги негизида бошлаб берилишини тушунтириб ўтди.

Сўнгра, сўз навбати Андижон вилоят МХХ ходими Д.Тожибоевга берилди. У ўз маърузасида, вилоят ҳокимлиги ва мутасадди ташкилотлар билан биргаликда ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 январдаги 2724-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоятда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган автотранспорт воситаларига йўл кира ҳақларини электрон тарзда амалга ошириш мақсадида “Валидатор”лар берилганлиги ва бу қурилмаларни мунтазам тизимли равишда ишлашини таъминлаш юзасидан Агентликнинг вилоят бошқармаси ходимлари билан биргаликда шаҳар кўчалари кўшма рейд тадбирлари ташкил этилганлиги тўғрисида гапирди.

Ўтказилган рейд тадбирларида Андижон шаҳри кўчаларида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган автотранспорт воситалари ҳайдовчилари тендер битимларига асосан белгиланган йўналишларда ҳаракатланиши кераклиги, ҳайдовчилар давлат идоралари ходимларининг қонуний талабларига бўйсунишлари, сўралганда тегишлилиги бўйича ҳужжатларни тақдим қилиш кераклиги тўғрисида тушунтирди.

Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги Ахборот хизмати